

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯКУБОВ ИЗЗАТ БАТИРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ АМАЛИЙ**  
**КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**УДК: 78.371.3**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy  
(PhD)**

**Матякубов Иzzат Батирович**

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини  
ривожлантириш..... 3

**Матякубов Иzzат Батирович**

Развитие практических компетенций будущих педагогов  
музыки..... 22

**Matyakubov Izzat Botirovich**

Development of practical competences of future teachers of  
music ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЯКУБОВ ИЗЗАТ БАТИРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ АМАЛИЙ**  
**КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида B2017.3.PhD/Ped191 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида  
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий  
кенгашнинг веб-саҳифаси –www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали –  
www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Халиков Аъзам Абдусаломович  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ибрагимов Холбой Ибрагимович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Маъруфжон Мамирджанович  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» июль соат  
900 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail:  
tdpu\_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (1413 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2021 йил «29» июнь кuni тарқатилди.

(2021 йил «29» июнь даги 8 рақамли реестр баённомаси)

  
Б.С.Абдуллаева  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф  
Р.Г.Исянов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент  
А.Н.Муслимов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, п.ф.д., проф

## **КИРИШ**

**(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мусиқа санъатида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж янада кучайтирилди. Болгария мусиқа таълими тизимида “столбица” (устун) методи, Россияда “Три кита”, Японияда “Судзуки” ишлаш методлари таълим жараёнига тадбиқ этиш, ЮНЕСКО қошидаги ISME (International Society for Music Education) Халқаро мусиқа таълимини ривожлантириш жамияти мусиқа ўқитувчиларни малакасини ошириш, халқаро миқёсда анжуманлар ўтказишда композиторлар, амалиётчи - педагоглар, болалар хор жамоаларининг раҳбарлари иштирокини таъминлаш, мусиқани тарғибот этиб, мусиқа ўқитувчилари ва бўлажак мусиқа ўқитувчилари орасида тажриба алмашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда ренессанс, барокко, классицизм, романтизм, модернизм даврларининг назарий меъроси асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини касбий компетенцияларини креатив тенденциялар асосида ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга моликдир. “Вена классик мактаби”да назариётчи ва созандаларнинг назарий билимлари ошириш, Францияда “Француз тизими” назарияси, Литвада “Литва услуби” ва “Мусиқада фаоллик қويدаси” назарияси, Германиядаги “Шульверг” методи, “Gunterschule” Гюнтер мактабида “Оддий мусиқа”, Россияда “Элементар назария” бўйича ўқитишда бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш заруриятини изоҳлайди.

Республикамизда ёшлар маънавиятини ривожлантириш, бадиий дидини шакллантириш, эстетик тарбияни амалга ошириш болаларни мусиқа санъатига қизиқтириш, уларни жалб этиш учун “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Санъат ғунчалари”, “Хор фестивали”, “Она юрт оҳанглари”, “Нафосат гулшани” олий таълим муассасалари аро Республика кўрик танловларини ўтказишнинг меъёрий асослари, моддий техника базаси яратилди. “Ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”<sup>1</sup> каби устивор вазифалар белгиланган. Натижада ёшларнинг мусиқа санъатига қизиқишини ошириш “Халқаро мақом фестивали”, “Халқаро бахшичилик фестивали”, “Тошкент баҳори” халқаро опера ва балет санъати фестиваллари ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 20 мартдаги “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон фармони. 2017 йил 7 февраль.

бўйича бешта муҳим ташаббус” Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 174-сон “Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари, педагог ва мусиқашунослари Р.Абдуллаев, С.Агаев, Ф.Азизова, С.Аманмуратова, М.Ахмедов, Н.Бахретдинова, Т.Ғофурбеков, И.Дадажонова, Ш.Ёрматов, Ш.Жанайдаров, А.Жумаев, Л.Жумаева, Ф.Жўраев, О.Иброхимов, Ж.Йўлдашев, Ф.Караматов, Д.Каримова, И.Киргизов, М.Қурононов, Р.Қодиров, О.Малькеева, Қ.Мамиров, Р.Маматкулов, О.Матёкубов, Б.Матёкубов, А.Назаров, А.Низомов, Ҳ.Нурматов, З.Раимова, Ж.Расултоев, Д.Рашидов, Ш.Рахимов, И.Ревес, Д.Рўзиев, А.Тригулова, Ф.Тўраев, С.Файзуллина, Ф.Халилов, А.Ҳасанов, Р.Ҳасанов, А.Ҳошимов, Г.Шарипова, Р.Юнусовларнинг илмий изланишларида бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий дидини шакллантириш масалаларини тадқиқ этишган.

МДҲ педагог олимлари Ц.Апраксина, Л.Бартерев, В.Белабардова, Т.Беркман, Ю.Борев, А.Буров, Л.Выготский, Л.Горгонова, И.Держенская, Д.Кабалевский, В.Каниковский, А.Камарова, С.Каруева, В.Карктечан, Н.Кирилова, М.Климов, М.Коган, А.Лосев, Н.Лайзеров, А.Сохор, С.Рубинштейн, Б.Теплов, П.Яворскийлар илмий педагогик фаолиятларида эстетик тарбиянинг шарт-шароитлари ва педагогик асослари ҳамда ўқувчиларнинг фаолликларини ошириш муаммолари ўрганиб чиқилган.

Хориж олимларидан P.Van Hauve, E.Jak-Dalkros, Z.Koday, Dj.Kerven, R.Myunnix, K.Orf, T.Sudzuki ларнинг болалар мусиқа тарбиясида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришга оид масалаларни ёритиб берганлар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари” (2012-2014 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак мусиқа ўқитувчисининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда мусиқий билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини соф интонация қобилиятларини техникавий воситалардан фойдаланиш асосида ривожлантириш;

бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ва дирижёрлик техникасини эгаллаши жараёнини самарадорлигини ошириш;

бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг эстетик-бадий дидини ижодий кадрятлар ва мумтоз мусиқа санъати асосида ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришда илғор педагогик тажрибалар, социометрик методлар (анкета, суҳбат ва таҳлил, яқка амалий машғулот), педагогик эксперимент натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак мусиқа ўқитувчисининг амалий компетенцияларининг праксеологик узвийлиги субъект-субъект муносабатлари билан индивидуал танлов эркинлигининг ўзаро қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак мусиқа ўқитувчисида мусиқа образини ривожлантиришнинг рефлексив механизмлари дирижёрлик техникасини эгаллашнинг индивидуал таълим траекториясини ва фаол мусиқатерапияни тизимли қўллаш алгоритмининг касбий компетенцияларга моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий компетенцияларини ривожлантириш модели Шарқ мумтоз санъат мутафаккирларининг бадий-эстетик тарбия қарашларини туркумлаштириш ҳамда талабаларнинг эстетик тарбияланганлик даражасини диагностик аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак мусиқа ўқитувчисини вокал малакаларини баҳолаш самарадорлигини модулли-структурали ёндашув билан халқчиллик тамойилининг қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда берилган асарлар бўйича вокал малакаларини шакллантиришнинг мазмуни аниқланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

“Хор ва хоршунослик”, “Дирижёрлик” каби ўқув қўлланмалари нашр қилинган;

бўлажак мусиқа ўқувчилар учун мусиқа маданиятини ривожлантириш бўйича мултимедияли электрон таълим ресурслари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ёндашувлар, методларнинг республикамиз ва хорижда яратилган педагогика ва махсус педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига, синф концертлари, якка концертларга, академик ва техник имтихонларга асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришдаги ижодий йўналганлиги, фанлараро боғлиқлиги ва фан ичидаги боғлиқлик тамойиллари, компетентлик, шахсга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришда мултимедияли электрон таълим ресурслари ҳамда баҳолаш тузилмасидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

мотивацион, мақсадли, операционал, функционал, назорат, баҳолаш компонентлари тизимли интеграцияси орқали ривожлантирилган бўлажак мусиқа ўқитувчисининг амалий компетенцияларининг праксеологик (амалий, рационал, самарадор) узвийлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 апрелдаги №87-02-1199 “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари-нинг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш тартиби” буйруғи мазмунига



сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 апрелдаги 87-02-1199-сон буйруғи). Натижада, “Pano Tuner”, “Shazam”, “ORG 2020” методларидан фойдаланиш бўйича мутахассислик фанлари учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

тизимли ёндашув бўйича дирижёрлик техникасини эгаллашдаги педагогик стратегиялари орқали такомиллаштирилган бўлажак мусиқа ўқитувчиси амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг рефлексив механизмларига оид таклифлардан “Дирижёрлик” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, № 654-140). Натижада, сиртқи ва махсус сиртқи шаклда ўқиётган талабалар учун мустақил таълим электрон ресурсларининг [t.me/M\\_I\\_V\\_kanal](http://t.me/M_I_V_kanal) яратилган;

этнопсихологик хусусиятлар, ахлоқий қарашлар, ҳаётий эътиқодларни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини Шарқ мумтоз санъат мутафаккирларининг бадиий-эстетик тарбия қарашларига уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган бўлажак мусиқа ўқитувчисининг амалий компетенцияларини ривожлантириш моделига оид таклифлардан “Хор ва хоршунослик” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, №654-142). Натижада, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилган;

блум таксономияларини портфолио технологияларига уйғунлаштириши асосида такомиллаштирилган бўлажак мусиқа ўқитувчиси амалий компетенцияларини баҳолаш тузилмаси(субъект, шахсий, моддий, ахлоқий, натижавий, процессуал, миқдор ва сифат)га оид таклифлардан “Дирижёрлик” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, №654-140). Натижада, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш даражалари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро мақола, 3 та халқаро конференция, 5 та республикамиздаги нуфузли илмий журналларда ва 6 та Республика илмий конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 илмий-услубий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та (5 таси республикада ва 4 таси хорижий журналда) мақола тарзида нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 177 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида “компетенция” ва “компетенция турлари” тушунчаларининг талқини, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг мазмун ва моҳияти, тараққиёти ва ҳозирги ҳолати ҳамда амалий фанларни ўқитишда талабаларнинг психологик хусусиятлари ёритилган.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришда, касбий ижодкорликни ривожлантиришда рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, амалий компетенцияларини ривожлантиришда педагогик-психологик хусусиятлари, компонентлари ва мезонларини аниқлаш керак. Уларнинг амалий компетенцияларини ривожлантиришда нафақат чолғу ижрочилиги бўйича моҳир созанда, у кўшиқ ижрочилиги, дирижёрлик, мусиқий назарий ҳамда педагогик билимларни пухта эгаллаши, дарс жараёнида ахборот ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишнинг таълимий асосларини ўзлаштирган, ўта сезгир, адолатли, яхши оратор, чуқур билим оладиган, фикрлай оладиган инсон бўлиши лозим.

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятга эгаллиги билан белгиланади. Фуқароларнинг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳияти эса таълим тизимининг мазмуни, шахснинг ҳар томонлама шаклланиши учун хизмат қилувчи моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, жамиятда қарор топган ижтимоий соғлом муҳит даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, аҳолининг этнопсихологик хусусиятлари, ахлоқий қарашлари ва ҳаётий эътиқодлари асосида шакллантирилади.

Шарқ мутафаккирлари, педагог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу-билиг”, Ахмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойик”, Абу Райхон Берунийнинг хикматлари, Ибн Синонинг “Тадбир-ал-манозил”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқимухсиний” ва бошқа асарларида фарзанд ота-онанинг бахти, унинг тўғри тарбияланиши эса ҳамманинг бахти, деган умумий хулоса чиқарилади. Ўтмишдаги мутафаккирлар тарбия атамасининг маъносини, тарбиялашнинг

мазмунини алоҳида баён қилмаган бўлсалар ҳам ўз асарларида тарбиянинг қирраларини ифодалаганлар.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини қуйидаги билим, кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб қилинади: умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва шу асосда мусиқа маданияти фани бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий талабларни билиши, ўз мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, методик ишларни олиб бориш талабларини билиши, амалиётга тадбиқ эта олиши, ҳар бир дарсга тегишли жиҳоз, восита, мусиқа чолғу асбоблари, кўргазмали қуроллар, дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказиш тажрибасига эга бўлиш, ўқитиш (дарс бериш) ва тарбиялаш маҳоратига эга бўлиши, ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш учун тестлар тузиши ва уларни қўллаш билиши лозим.


Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-маърифий, маданий меросларини ва уларнинг мусиқа илмини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини билиши ҳамда бўлажак мусиқа ўқитувчиларга бу борада маълумотлар бериш, бўлажак мусиқа ўқитувчиларга ўргатилаётган қўшиқлар, тинглаш учун берилган мусиқа асарларининг муаллифлари ҳақида билиши ва айрим ғазалларни шарҳлаш малакасига эга бўлиши, ўзбек халқ мусиқа мероси, унинг жанрлари ва маҳаллий услублари, ўзбек миллий мусиқа чолғу асбоблари ва улардан ташкил топган турли ансамбллар, оркестр ҳамда оркестрларнинг турлари ҳақида билиши, Хоразм мақоми, Шашмақом, Тошкент-Фарғона мақомлари унинг чолғу ва айтим йўлларини билиши. Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси, уларнинг ўхшашлиги ва бир-биридан фарқини билиши, ўқитувчи ишининг мазмун ва моҳиятини, шакл ва усулларини билиши ҳамда бундай ишларни олиб бориш малакасига эга бўлиши, иқтидорли бўлажак мусиқа ўқитувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган, яқка тартибда таълим бериш йўллари, шакллари ҳамда усулларини билиши, мусиқа маданияти фани бўйича муаммолар, янгиликлар, илмий изланишлар ҳақида билиши, умумий ўрта таълим мактабларида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини билиши лозим.

Дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши, умумий ўрта таълим мактаблари педагог ходимларини аттестация қилиш ва тоифаларини кўтариш тартиб-қоидалари ҳақида маълумотга эга бўлиши, мусиқа таълим-тарбияси бўйича ихтисослашган мактаб ёки чуқурлаштирилган синфларда таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти, талаблари, уни ташкил қилишнинг шакл ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Натижада, бўлажак мусиқа ўқитувчисини амалий компетенцияларининг праксеологик (амалий, рационал, самарадор) узвийлиги мотивацион, мақсадли, операционал, функционал, назорат, баҳолаш компонентлари тизимли интеграцияси орқали ривожлантирилади.

**Диссертациянинг “Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш тизими” деб номланган иккинчи**

бобида бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг шакл ва методлари ҳамда мультимедияли воситалардан фойдаланиш ёритилган.

Бўлажак ўқитувчининг амалий компетенцияси ўқитувчи фаолиятида инсонпарварликнинг устунлиги, педагогик истеъдод, қобилият ва маҳорат, педагогик техника (санъат), ўқитувчининг шахсий интилиши каби таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бўлажак ўқитувчини амалий компетенциясини ривожлантириш компонентлари қуйидагилардан иборат (1-расмга қаранг):



**1-расм. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш компонентлари**

Бўлажак муסיқа ўқитувчиси амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг рефлексив механизмлари тизимли ёндашув бўйича дирижёрлик техникасини эгаллашдаги педагогик стратегиялари орқали такомиллаштирилган. Педагогик стратегиялар қуйидагилардан иборат:

қиёслаш стратегияси – турли гуруҳлар ўртасидаги натижаларни таққослаш;


узоқ муддатли стратегия – маълум бир талабалар билан етарлича узоқ вақт давомида такрорий маълумот тўплаш.

аниқлаш стратегияси – биринчи навбатда таълим олувчиларнинг ривожланиш ва билим ҳолатини аниқлаш ва тавсифлаш.

диагностик стратегияси – ўқувчиларнинг ривожланиши ва билимларининг аниқланган ҳолати сабабларини аниқлашга қаратилган сўров.

прогнозлаш стратегияси – ҳозирги имкониятлардан келиб чиқиб, келажакда таълим олувчилар билан ўқув фаолиятининг муваффақиятини олдиндан айтиб бериш учун фойдаланиш.

Бўлажак муסיқа ўқитувчисининг амалий компетенцияларини ривожлантириш модели этнопсихологик хусусиятлар, ахлоқий қарашлар, ҳаётий эътиқодларни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини Шарқ мумтоз санъат мутафаккирларининг бадиий-эстетик тарбия қарашларига уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришни тақозо этади (2-расмга қаранг):



**2-расм. Бўлажак музика ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш модели**

Бўлажак музика ўқитувчисининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда ахборот коммуниатив дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (3-расмга қаранг):



**3-расм. Муסיқа саводи билим ва кўникмаларини ахборот коммуникатив дастурлари орқали ривожлантириш**


Муסיқа саводини мукамал ўзлаштиришда айнан ихтисослик фанлари бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Айнан шу фанларни мустақил таълим жараёнида мустақил равишда ўзлаштиришда “Pano Tuner”, “ORG 2020” мобил телефон иловалари орқали белгиланган методлардан интенсив фойдаланиш жараёнида хатолари устида ишлашни ўрганади, “мутлак оҳанг” (абсолютный слух) ва соф интонация қобилиятларини ривожлантириш мумкин. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларини амалий компетенциялари “Ақлий хужум”, “Транспозиция”, “Блиц сўров”, Коллоквиум, “Хронограф”, “Аранжировка”, “Дирижёрлик”, “Бошланғич тасниф”, “Муаммоли вазият”, “Эшитганингни куйлаб бер”, “Қайси товушни пайқадинг”, “Ўлчовни кўрсатиб бер”, “Усулни чалиб бер”, “Кўрганингни айтиб бер”, “Эшитган куйинг расмингда акс этсин” каби технологиялари орқали унинг муסיқа саводи билим ва кўникмалари ривожлантирилади. “ORG 2020” мобил телефон иловалари орқали белгиланган методлардан бирига мисол куйидагича келтирамиз (4-расмга қаранг):

Ноталарни бир октава ҳолатида рақамлаб оламиз

Уни иккига бўламиз ва  
иккинчи қисмини пастдан жойлаштирамиз



Қуйдаги машқ орқали ORG 202 мобил иловасидаги фортепианони чалиб интенсив машқ қилиб  
“мутлақ оҳанг” (абсолютный слух) ва соф интонация қобилиятларини ривожлантириш мумкин.



5	6	7	1	2	3	4
---	---	---	---	---	---	---

**4-расм. ORG 2020 мобил иловаси орқали мусиқа саводи билим ва кўникмаларини ахборот коммуникатив дастурлари орқали ривожлантириш**

Юқорида ORG 2020 мобил иловасини кўриб турганингиздек жуда кўп функцияларга эга. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси бунини яхши ўзлаштириб олса ҳамма мусиқий асарларни ўзига ҳос сайқал билан ижро этиши мумкин. Қолаверса, ушбу мобил иловада турли миллатларнинг ритмик усули, чолғу асбобларнинг турли ҳилдаги овозлари синтезлашган ҳолда ўзгартириш мумкин. Бу эса бўлажак мусиқа ўқитувчисини электрон мусиқага, замонавий мусиқага бўлган қизиқишини орттиради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоаси хорни а’сарелла асарларига созлаш жараёнида камертон ўрнига ушбу мобил иловадан фойдаланган ҳолда дастлабки асарнинг тоналигини аккорд шаклида чалиб хорга тон беради. Хор шу тоза интонацияланган созга созланиб навбатдаги асарни ижро этади.

Хар бир инсон табиатан ўзига хос овоз имкониятларига эга. Йиллар давомида овоз имкониятларининг ўзгариши, овоз анатомиясини билиши, овоз техникаларининг шаклланиши ва ривожланиши, тесситурасининг кенгайиши ва торайиши каби жихатларни бўлажак мусиқа ўқитувчиси билиши шарт. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси келажакда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар овози билан ишлайди. Айнан шу даврда овоз ўзгариши, шаклланиши жараёнида бўлади. Агар юқорида келтирилган билимларни бўлажак мусиқа ўқитувчилари чуқур эгаллаб олмасалар келажакда овоз имкониятларига эга бўлмаган ёш авлод етиштириб чиқаришади. Айрим ҳолларда эса овози ҳам йўқолиб қолиш даражасигача ҳам боради. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси фақатгина мусиқа билимларига эга шахс бўлиши билан бир қаторда у психолог, фониатор (медецинадаги лор соҳасининг овоз билан ишлайдиган йўналиши) бўлиши, шу билан бир қаторда билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлиши лозим. Боланинг мутация жараёни ўспиринлик даврида фақатгина овозда сезилибгина қолмай унинг организмда (юзида хусунбузарларнинг пайдо бўлиши, ўғил болаларда мўйлабчалар пайдо бўла бошлаши, овозлари буғилиб шамоллаганга ўхшаб чиқа бошлаши ва ҳоказо) ўзгаришлар кўзга ташланади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси бундай жараёнларга бефарқ бўлиши мумкин эмас. Айнан мутация жараёнида боланинг овози билан доимий машғулотни тўхтатмай эҳтиёткорона, ҳар бир овоз билан синчиклаб ишлаш талаб этилади (5-расмга қаранг):



**5-расм. Овоз имкониятлари билим ва кўникмаларини ахборот коммуникатив дастурлари орқали ривожлантириш**

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси амалий компетенцияларини баҳолаш тузилмаси (субъект, шахсий, моддий, ахлоқий, натижавий, процессуал,



микдор ва сифат) асосида Блум таксономияларини портфолио технологияларига уйғунлаштириши такомиллаштирилган.

Диссертациянинг “**Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш самарадорлиги**” номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил қилиниши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва тажриба-синов ишларининг самарадорлиги даражаси ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотнинг шакллантирувчи босқичида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди ва улар амалиётга татбиқ этилди.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш юзасидан тадқиқот объектлари сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Урганч давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институти танлаб олинди. Ушбу танлаб олинган объектларнинг талабалари балан тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Хор ва хоршунослик, чолғу ижрочилиги, вокал, дирижёрлик каби фанлар айнан шу курсларда ўқув режага киритилганлиги учун иккинчи ва учинчи курс талабалари танлаб олинган. Ўқув жараёнида гуруҳлар тенг тақсимланганлиги учун 201 ва 301 гуруҳлар тажриба синов гуруҳларига, 202 ва 302 гуруҳлар эса назорат гуруҳига ажратилиб тадқиқот олиб борилди. Шундай қилиб тажриба-синов ишларида жами 211 нафар талабалар қатнашиб улардан тажриба гуруҳларидаги талабалар сони 106 нафар, назорат гуруҳидаги талабалар сони 105 нафари ташкил этди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

**Педагогик тажриба-синов ишларида иштирок этган талабалар сони**

№	Олий таълим муассасалари	Гуруҳлар	Сони	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1.	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	2-курс	23	12	11
		3-курс	37	18	19
		<b>жами</b>	<b>60</b>	<b>30</b>	<b>30</b>
2.	Урганч давлат университети	2-курс	28	14	14
		3-курс	38	19	19
		<b>жами</b>	<b>66</b>	<b>33</b>	<b>33</b>
3.	Қўқон давлат педагогика институти	2-курс	42	21	21
		3-курс	43	22	21
		<b>жами</b>	<b>85</b>	<b>43</b>	<b>42</b>
4.	Барча таълим муассасалари бўйича	2-курс	93	47	46
		3-курс	118	59	59
		<b>жами</b>	<b>211</b>	<b>106</b>	<b>105</b>

*Биринчи босқичда* амалий компетенцияларининг шаклланганлиги бўйича дастлабки тест синовлари топшириқлари ўтказилди. Биз ушбу биринчи босқичда тақдим қилган тест совопларини барчасини умумий 100 балл деб белгилаб олдик. Тажриба синов ишларининг *иккинчи босқичида* амалий топшириқлар, индивидуал ишлаш имкониятлар, мусиқий асбобларни чалишга бўлган интилишлари ва турли мусиқий топшириқларнинг натижаларига қараб

баҳоланди. Тажриба-синов ишларининг барча босқичларида талабаларнинг ўқув ҳамда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнига бўлган муносабатлари ўрганилди. Ўрганиш натижалари ҳам талабаларни амалий компетенцияларини ривожлантириш самарали педагогик фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Юқоридаги олинган натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш ва тажриба синов ишларининг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаланилди. Бундай усуллардан бири Пирсон критериясидир. 1-4-жадвалларда тажриба натижасида олинган сонли маълумотларни математик статистика усулларида таҳлил қилдик. Бунинг учун назорат гуруҳи ўзлаштириш даражаларини  $X_i$  лар, тажриба синов гуруҳлариникини эса  $Y_i$  лар орқали белгилаб олдик. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўзлаштириш даражалари бўйича “юқори”, “яхши”, “қониқарли”, ва “қониқарсиз” даражаларини мос ҳолда шартли равишда “5”, “4”, “3” ва “2” баҳолар билан алмаштирилди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

**Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш даражалари**

№	Таълим муассасалари	Тажриба гуруҳлари					Назорат гуруҳлари				
		Талабалар сони	Аъло-86-100	Яхши-71-85	Қониқарли- 56-70	Қониқарсиз- 1-55	Талабалар сони	Аъло-86-100	Яхши-71-85	Қониқарли-56-70	Қониқарсиз-1-55
1.	Биринчи босқич умумий кўрсаткичи	106	8	27	49	22	105	7	27	50	21
2.	Иккинчи босқич умумий кўрсаткичи	106	26	51	26	3	105	8	32	59	6
	<b>Якуний босқич умумий кўрсаткичлари</b>	<b>106</b>	<b>8</b>	<b>27</b>	<b>49</b>	<b>22</b>	<b>105</b>	<b>7</b>	<b>27</b>	<b>50</b>	<b>21</b>

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати  $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_j}{N}$  деб олинди. Бу ерда  $x_i$  – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 2,3, 4, 5; қийматларни қабул қилади.  $m_j$  - баҳоларнинг такрорланишлар сони,  $N$  - тажрибада иштирок этаётган талабаларнинг сони. Бунда  $H_0$  гипотеза сифатида тажриба ва назорат гуруҳларида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эхтимоллар тенг ( $p_{11}=p_{21}, p_{12}=p_{22}, \dots p_{1c}=p_{2c}$ ) деб, альтернатив  $H_1$  гипотеза сифатида ( $p_{11} \neq p_{21}, p_{12} \neq p_{22}, \dots p_{1c} \neq p_{2c}$ ) олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш учун  $\chi^2$  мезонидан фойдаланди.

Бундан кўринадики, танланган гуруҳларнинг билим даражалари тажриба ва назорат гуруҳларида бир-бирига тенг ёки бир хилдаги билим даражалари гуруҳ

талабалари танлаб олинганидан далолат беради. Бу эса математик статистика усуллари орқали исботланди. Тажриба бошида барча таълим муассасалари бўйича олинган умумий натижаларни олиб борамиз (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

### Барча таълим муассасаларининг умумий натижалари

№	Тошширик турлари	Гуруҳлар	Сони	$\chi^2$	$T_{кр}$	Уртача қиймат	Самардорлик коэффициент	Хулоса
1.	ТДПУ	Тажриба	30	8,85	7,81	3,97	1,18	Н <sub>1</sub>
		Назорат	30			3,37		
2	УрДУ	Тажриба	33	8,71	7,81	3,94	1,16	Н <sub>1</sub>
		Назорат	33			3,39		
3	ҚДПИ	Тажриба	43	9,37	7,81	3,93	1,15	Н <sub>1</sub>
		Назорат	42			3,43		
Умумий		Тажриба	106	22,66	7,81	3,94	1,16	Н <sub>1</sub>
		Назорат	105			3,40		

Бундан кўринадики ўтказилган тажриба гуруҳларида олиб борилган тажриба-синов ишлари назорат гуруҳига нисбатан 1,15-1,18 баробаргача самарали бўлиб уларнинг умумий ўртача ўсиши 16 фоизга юқори эканлиги математик статистик усуллари билан исботланди.


Тажриба якунидаги олинган натижалар изланувчи тажриба даврида қўлга киритилган кўрсаткичлардан юқори. Ушбу ҳолат тадқиқотнинг самарали ташкил этилганлигидан далолат беради (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

### ОТМ респондентларининг амалий компетенцияларининг ривожланиши бўйича билим даражалари (умумий ҳолда)

ОТМ	Даражалар	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида		Тажриба сўнгида		Тажриба бошида		Тажриба сўнгида	
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
Барча таълим муассасалари	Юқори	8	7,55	26	24,53	7	6,67	8	7,62
	Яхши	27	25,47	51	48,11	27	25,71	32	30,48
	Қониқарли	49	46,23	26	24,53	50	47,62	59	56,19
	Қониқарсиз	22	20,75	3	2,83	21	20,00	6	5,71

Ушбу жадвалдан кўришиб турибди-ки, тажриба бошида талабаларнинг билим даражаси паст кўрсаткични берган бўлса, тажриба сўнгида тажриба гуруҳларда юқори кўрсаткичларга эга бўлган, биз буни ўзлаштириш даражаларининг диаграммларида солиштириб кўрдик (6-расмга қаранг):



**6-расм. Ўзлаштириш даражаларининг диаграммалари**

Математик-статистик таҳлил натижалари тажриба-синов ишлари сўнгида талабаларнинг амалий компетенцияларининг ривожланганлик даражаси шаклланиб борганлиги тасдиқланди. Бу эса олиб борилган тажриба ишлари самарали, яъни умумий ўртача ҳисобда 16 % га юқори эканлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

“Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати махсус тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантириш яхлит педагогик жараён бўлиб, мазкур жараёнда уларнинг қизиқишлари, мойилликлари, лаёқатини таълим муассасалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш талаб қилинди. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантириш жараёнида электрон дидактик воситаларни қўллаш бўйича методик кўрсатмалар амалиётда ўзини оқламоқда.

2. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантиришда таълим-тарбия ва ижтимоий тажриба уйғунлигини таъминлаш ҳамда электрон таълим ресурсларини амалиётга тадбиқ қилишни талаб этади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини

ривожлантиришнинг таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш, тарбиялаш, мустақил ижодий фаолиятга жалб қилиш, ижобий психологик-педагогик муҳит яратиш, талабанинг мойиллиги, лаёқати, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, мулоқотга йўналганлик, стилистик дифференциация, фанлараро интеграция, фан ичидаги интеграция, таълимнинг аудитория ва масофавий шакллари интеграцияси каби тамойилларнинг устувор аҳамият касб этиши аниқланди.

3. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантиришнинг мулоқот вазиятларига мутаносиб оғзаки ва ёзма шаклда жумла қуриш усулларига эгаллик; ижтимоий-маданий ва ижтимоий-педагогик компетенцияларнинг шаклланганлиги; педагогик компетенциялар шаклланганлиги; таълим мотивациясининг юқори даражаси; ўзини муносиб баҳолаш каби мезонлари такомиллаштирилди.

4. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантиришда мусиқа фанининг ўқув дастурида белгиланган мавзуларни инновацион таълим технологиялари асосида лойиҳалаш ва ташкил қилиш ҳамда талабаларнинг шахсий ташаббус ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш, амалий компетенцияларни ривожлантиришга имкон берувчи амалий вазифаларни ва маълумотларни муваффақиятли ўзлаштиришга қаратилган махсус машқларни бажариш амалий кўникмаларини ҳосил қилиш талабаларнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаради ва бўлажак мусиқа ўқитувчиларида амалий компетенцияларини ривожлантириш таъминланади.

5. Амалга оширилган тажриба-синов натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш инновацион таълим шароитида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш бўйича мультимедиа иловали инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида яратилган методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, методик ва амалий кўрсатмалар талабаларнинг амалий компетенциялари сезиларли даражада ривожланишига олиб келганини тасдиқлади.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантириш юзасидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бўлажак мусиқа ўқитувчисини амалий компетенцияларини ривожлантиришда мусиқий билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш педагогик имкониятларини устоз-шогирд анъаналари асосида прогрессив таҳлил этиши лозим.

2. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини касбий компетенцияларини соф интонация қобилиятларини амалий ва техникавий воситалардан фойдаланиш асосида ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.

3. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ва дирижёрлик техникасини мультимедия воситалари орқали эгаллаши жараёнини самарадорлигини ошириш яхши самара беради.

4. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг эстетик-бадий дидини ижодий қадриятлар ва мумтоз мусиқа санъати асосида фундаментал ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ.

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ПОД ПРЕДСТАВЛЕНИЕМ СТЕПЕНЕЙ НАУЧНОГО  
СОВЕТА ПОД НОМЕРОМ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАТЯКУБОВ ИЗЗАТ БАТИРОВИЧ**

**РАЗВИТИЕ ПРАКТИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ МУЗЫКИ**

13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений

**Автореферат (PhD) диссертации Доктора философских наук по  
педагогическим наукам**

**Ташкент-2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/Ped191.**

Докторская диссертация защищена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Халиков Аъзам Абдусаломович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ахмедов Маруфжон Мамирджанович**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «9» июль 2021 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №413. Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «29» июль 2021 года.

(протокол рассылки № 8 от 29 июль 2021 года).

  
**Б.С.Абдуллаева**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

  
**Р.Г.Исянов**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

  
**Н.А.Муслимов**  
присуждение ученых степеней  
научный семинар при ученом совете,  
ученых степеней, д.п.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ**

**(аннотация докторской диссертации (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Необходимость дальнейшего развития практических компетенций будущих учителей музыки в мировом музыкальном искусстве подпитывала эту потребность. Использование методов в болгарской системе музыкального образования “столбица” (колонка), в России “Три кита”, в Японии “Судзуки” а также, международное общество музыкального образования при ЮНЕСКО видятся системные работы в повышении квалификации учителей музыки, обеспечении участия композиторов, практиков - педагогов, руководителей детских хоровых сообществ, популяризации музыки, проведении научных исследований по обмену опытом между учителями музыки и будущими учителями музыки.

В период ренессанса, барокко, классицизма, романцизма, модернизма на основе теоретического наследия будущих учителей музыки творческих тенденций на основе проводятся научные работы. Расширяются теоретические знания теоретиков и музыкантов и отдельное внимание обращается на теоретические исследования в “Венской классической школе”, обосновывается необходимость развития практической компетентности будущих учителей музыки в преподавании во Франции по теории “французской системы”, в Литве по теории “Стиль Литвы” и “Активность в музыке”, в Германии метод “Шульвера”, “Gunterschule” в школе Гюнтера “обычная музыка”, по “Элементарной теории” в России.

В целях развития духовности молодежи в нашей республике, формирования художественного вкуса, осуществления эстетического воспитания, интереса детей к музыкальному искусству, привлечения их к нормативной базе создана материально-техническая база проведения межреспубликанских конкурсов высших учебных заведений “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Санъат ғунчалари”, “Хор фестивали”, “Она юрт оҳанглари”, “Нафосат гулшани”. Определены приоритетные задачи, такие как “Реализация целевых программ развития и модернизации социальной сферы, развитие образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной политики в отношении молодежи”. В результате повышения интереса молодежи к музыкальному искусству большое значение будут иметь “Халқаро мақом фестивали”, “Халқаро бахшичилик фестивали”, международные фестивали оперного и балетного искусства “Тошкент баҳори”.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, “Пять важных инициатив по повышению духовности молодежи и содержательной организации ее свободного времени”

от 20 марта 2019 года, № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, №ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых в стране масштабных реформах”, указы Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по закупке иностранной учебной и научной литературы для системы высшего образования” № 174 от 24 мая 2016 года, "О мерах по дальнейшему повышению качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях" № 816 от 10 октября 2018 года, " Об обеспечении учебной литературой высших учебных заведений " и иные нормативно-правовые акты, связанные с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики.** Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики “Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики”.

**Степень изучения проблемы.** Ученые и музыковеды республики Р.Абдуллаев, С.Агаев, Ф.Азизова, С.Аманмуратова, Н.Бахретдинова, Т.Гофурбеков, И.Дадажонова, Ш.Ёрамаев, Ш. Жанайдаров, А. Жумаев, Л. Джумаева, Ф. Жураев, О.Иброхимов, Ж.Юлдашев, Ф.Караматов, Д.Каримова, И.Киргизов, М.Курунов, Р.Кодиров, О.Малкеева, К.Мамиров, Р.Маматкулов, О.Матекубов, Б.Матёкубов, А.Назаров, А.Низомов, Х.Нурматов, З.Раймова, Ж.Расултоев, Д.Рашидов, Ш.Раксимов, И.Ревес, Д.Рузиев, А.Тригулова, Ф.Тураев, С.Файзуллина, Ф.Халилов, А.Гасанов, Р.Гасанов, А.Хашимов, Г.Шарипова, Р.Юнусов своими исследованиями будущих проблем формирования художественного вкуса своих учителей.

Изучены условия и педагогические основы эстетического воспитания и проблемы повышения активности учащихся в педагогической деятельности педагогов СНГ как Щ.Апраксина, Л.Бартерев, В.Белабардова, Т.Беркман, Ю.Борев, А.Буров, Л.Выготский, Л.Горгонова, И.Держенская, Д.Кабалевский В.Каниковский, А.Камарова, С.Каруева, В.Карктечан, Н.Кирилова, М.Климов, М.Коган, А.Лосев, Н.Лайзеров, А.Сохор, С.Рубинштейн, Б.Теплов, П.Яворский.

Обозревались вопросы, связанные с развитием практических компетенций будущих учителей музыки в области обучения детской музыке от зарубежных ученых Р. Van Hauve, E. Jak-Dalkros, Z. Koday, Dj. Kerven, R. Myunnix, K. Orf, T. Sudzuki.

**Связь диссертационного исследования с исследовательскими планами вуза, где была завершена диссертация.** Исследование диссертации проводилось в рамках проекта Ташкентского государственного педагогического университета “Технологии формирования профессиональной компетентности преподавателей на основе модернизации содержания профессионального образования” (2012-2014).

**Целью исследования** является разработка научно-практических рекомендаций по развитию практической компетентности будущих учителей музыки.

**Задачи исследования:**

анализ педагогических возможностей использования музыкальных знаний, умений и навыков в развитии практической компетентности будущего учителя музыки;

развитие профессиональной компетентности будущих учителей музыки на основе использования технических средств чисто интонационного мастерства;

повышение эффективности процесса овладения практическими компетенциями и дирижерскими приемами будущих учителей музыки;

развитие эстетического и художественного вкуса будущих учителей музыки на основе творческих ценностей и классического музыкального искусства.

**Объектом исследования** является процесс формирования практических компетенций будущих учителей музыки.

**Предметом исследования** являются содержание, форма, метод и инструментарий формирования практических компетенций будущих учителей музыки.

**Методы исследования.** В развитии практической компетентности будущих учителей музыки использовались передовые педагогические эксперименты, социометрические методы (анкетирование, интервью и анализ, индивидуальные практические занятия), методы математического и статистического анализа результатов педагогических экспериментов.

**Научная новизна исследования** заключается в том, что

праксеологическая (практическая, рациональная, продуктивная) преемственность практической компетентности будущего учителя музыки развивается субъект к субъекту через системную интеграцию мотивационного, целенаправленного, функционального, контрольного, оценочного компонентов;

рефлексивность развития практической компетентности будущего учителя музыки совершенствуется через педагогические стратегии в овладении дирижерской техникой на основе системного подхода;

модель развития практической компетентности будущего учителя музыки была усовершенствована на основе этнопсихологических особенностей, нравственных воззрений, обеспечивающих гармонию учебно-дидактических возможностей развития наук о жизни со взглядами на художественно-эстетическое воспитание восточных мыслителей-классиков;

